

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

РАУПОВ АНВАРЖОН РАЗОҚОВИЧ

**ФОСФОР ГУРУҲЛИ ОЛИГОМЕРЛАР АСОСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК
МАТЕРИАЛЛАРНИ ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Раупов Анваржон Разоқович

Фосфор гуруҳли олигомерлар асосида тўқимачилик материаллари
оловбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Раупов Анваржон Разоқович

Разработка технологии повышения огнестойкости текстильных
материалов на основе фосфорсодержащих олигомеров.....21

Raupov Anvarjon Razokovich

Development of technology for increasing the fire resistance of textile materials based
on phosphorus-containing oligomers.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

РАУПОВ АНВАРЖОН РАЗОҚОВИЧ

**ФОСФОР ГУРУҲЛИ ОЛИГОМЕРЛАР АСОСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК
МАТЕРИАЛЛАРНИ ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1245 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нуркулов Файзулла Нурмунинович**
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Набиева Ирода Абдусаматовна**
техника фанлари доктори, профессор

Кулдашев Икром Хамидуллаевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 11 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-35-33 E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100102, Тошкент ш., Янги ҳаёт, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-35-33 E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 11 куни тарқатилди.
(2021 йил «06» 10 даги 2 рақамли реестр баённомаси)



Б.Т.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, доцент

Х.М.Дусматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
кимё фанлари номзоди

Ш.Э.Курбанбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда оловбардош тўқимачилик материалларига бўлган эътибор тобора ортиб, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришда, кийим-кечак, мебель ишлаб чиқариш, қурилиш, машинасозлик ва бошқа соҳаларда пардозлаш ва қопламалар сифатида кенг қўллаш орқали ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ, кўплаб фойдали жиҳатлари билан бир қаторда, антипиренлар билан ишлов берилмаган тўқимачилик материаллари ёнғин хавфини оширади. Шу сабабли, бутун дунёда бир йилда 7-8 млн ёнғин содир бўлиб, ёнғинлар оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони эса 85-90 минг кишини ташкил қилади. Республикамизда эса 2020 йил мобайнида содир бўлган ёнғинлар 1 1083 тани ва ёнғинлар натижасида ҳалок бўлган инсонлар сони 124 нафарни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Булар асосан ёнғинбардош материалларининг ёнғиндан ҳимояланмаганлиги натижасида аланганинг тез тарқалишига олиб келади ҳамда ёнғиндан ҳимояловчи антипирен таркибларни самарадор эмаслиги, уларнинг тўқимачилик материалларига ишлов беришда инновацион технологиялар ишлаб ишлаб чиқиш каби масалалар ҳанузгача илмий ечимини топмаган. Шунинг учун, фосфор гуруҳли олигомер антипиренлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг оптимал таркибларини яратиш ва таъсир этиш механизмини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда оловбардош тўқимачилик материаллари асосида ёнғин ўчирувчилар, пайвандчилар, уй-рўзғор буюмлари, мебель ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда махсус кийимларни ишлаб чиқариш ривожланишига қарамадан содир бўлаётган ёнғинлар натижасида қисқа муддатларда тўқимачилик материалларининг тез алангаланиши натижасида катта майдонларга тарқалиб турли даражада талофат кўришига сабаб бўлмоқда. Юртимизда оловбардош тўқимачилик материаллардан фойдаланиш учун фосфор гуруҳли олигомерлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардошлигини ошириш мақсадида кўп функцияли антипиренларни ишлаб чиқиш, уларни тўқимачилик материаллари билан модификациялаш ва оптимал таркибларини ишлаб чиқиш, оловбардош хосса хусусиятларини ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда инновацион технологиялар асосида жадал ривожланаётган табиий тўқимачилик материалларининг оловбардошлик хусусиятларини ошириш мақсадида турли антипирен таркиблар яратилган бўлиб, улар ёрдамида оловбардош тўқимачилик материалларни олишда муҳим натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тўқимачилик материалларининг оловбардошлигини оширишда фосфор сақлаган олигомер антипиренларни яратиш ва уларни технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишга қаратилган тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимизда “маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ишлаб

чиқаришни маҳаллийлаштириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосидаги антипиренлар билан тўқимачилик материалларининг оловбардошлигини ошириш ҳамда антипиренларни қўллашнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13 февралдаги ПҚ–4992-сон, “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 23 майдаги ПҚ–4335-сон ҳамда “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йилнинг 12 февралдаги ПҚ–4186-сон қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда оловбардош тўқимачилик материалларни янги авлодини яратишда бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Оловбардош тўқимачилик материалларни олиш ва қўллаш технологиясини яратиш бўйича хорижий олимлар Е. Текей, Р.Н. Сабирзянова, F. Laoutid, Н.С. Зубкова, О.Н. Микрюкова, Е.П. Лаврентьева, У. Джон, J. Alongi, G. Barbara, M.I. Misonon, J. Chilton, E. Kandare, E.D. Weil, D.B. Ajgaonkar, A.N. Netravali, X. Huang, K. Mizuta ва бошқалар томонидан ушбу масалалар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада оловбардош тўқимачилик материалларни яратиш мақсадида антипиренлар олиш ва уларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, структура ва хосса хусусиятларни яхшилаш, иқтисодий ва экологик самарадор технологияларини ишлаб чиқиш каби масалаларини ўрганишда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур соҳа А.Т.Джалилов, С.С.Нигматов, Н.А.Самигов, И.А.Набиева, А.С.Рафиқов, Б.Т.Ибрагимов, А.А.Мухамедғалиев, А.А.Сулейманов, Ф.Н.Нурқулов, Ш.Э.Курбанбаев, Р.И.Исмоилов, И.И.Исмоилов, Р.Болтабоев, И.И.Сиддиқов, Х.С.Бекназаров, М.А.Қурбанова ва бошқаларнинг турли йилларда олиб борган илмий тадқиқотлари асосида ривож топмоқда. Улар томонидан тўқимачилик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

материалларни ёнғиндан химояловчи кимёвий бирикмалар асосидаги янги таркиблар яратилган бўлиб, тўқимачилик матолари, ёғоч, полимер ва бошқа материалларга антипиренлар таъсир қилиш орқали кимёвий ва механик хоссалари ўрганилган. Аммо, оловбардош хусусиятини оширувчи таркибларни хусусиятлари, уларни тўқимачилик материаллари билан модификациялашнинг замонавий янги усулларни ҳамда экологик ва иқтисодий самарадор технологияларни такомиллаштириш асосий муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-Атех-2018-58 “Янги авлод металлорганик олигомер қўшимчали оловбардош, иссиқлик изоляцияловчи қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Фосфор гуруҳли олигомерлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардошлигини ошириш ва уларни иқтисодий ва экологик самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фосфор сақлаган олигомер антипиренларни олиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

олинган антипиренларни тўқимачилик материаллари билан модификациялашнинг оптимал нисбатларини аниқлаш;

фосфор сақлаган олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни физик-механик ва кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ишлаб чиқилган оловбардош тўқимачилик материалларни ёнғин техник талаблари асосида ёнувчанлик даражаси, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффицентига таъсирини тадқиқ этиш;

фосфор сақлаган олигомер антипиренларни олиш ҳамда тўқимачилик материалларни оловбардошлигини ошириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда уларнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фосфор сақлаган олигомер антипиренлар ҳамда оловбардош тўқимачилик материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини фосфор гуруҳли олигомер антипиренлар билан тўқимачилик материалларига ишлов бериш ҳамда ушбу материалларнинг физик-кимёвий, механик ва техник-иқтисодий омиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Оловбардош тўқимачилик материалларни композитларни яратиш ва хоссаларини ўрганишда инфрақизил (ИК), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ) ва термогравиметрик (ТГ) таҳлил усуллари ҳамда оловбардош тўқимачилик материалларнинг физик-механик, оловбардош хусусиятларини аниқлашда стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий тўқимачилик материалларининг оловбардошлигини ошириш учун фосфор, азот, кремний ва металл гуруҳли бирикмаларни тиомочевина, мочевина,

меламин ва эпихлоргидрин асосида янги таркибли антипиренлар олигомерланиш жараёни (усули) ёрдамида ишлаб чиқилган;

олинган фосфор гуруҳли ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар билан тўқимачилик материалларга ишлов беришнинг 10-20% гача бўлган оптимал нисбатлари ва таъсир этиш механизми аниқланган ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш самарадорлигини оширишга эришилган;

фосфор гуруҳли олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни масса йўқотилиши 97,3 % дан 21,3% гача пасайиши аниқланган ҳамда функционал гуруҳларни физик-механик ва кимёвий хоссалари яхшиланганлиги илмий исботланган;

фосфор, азот, кремний ва металл гуруҳли бирикмаларни мочевина, ва эпихлоргидрин асосида ТЕХА-2 ва ТЕХ-4 маркали янги таркибли олигомер антипиренларни олишда ҳароратни 90-100°C пасайтириш орқали иқтисодий самарадор технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фосфор сақлаган олигомер антипиренлари олинган ҳамда тўқимачилик материаллари билан модификациялашнинг оптимал нисбатлари ҳисобланган;

фосфор сақлаган олигомер антипиренлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардошлигини оширишнинг самарадор технологияси ишлаб чиқилган;

фосфор сақлаган олигомер антипиренлар тўқимачилик материалларни оловбардошлигини оширишда синергетик таъсир этиши натижасида оловбардош материалларни масса йўқотиши 97,3 % дан 21,3% гача пасайишига эришилганлиги ҳамда ушбу таркибларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган материалларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар юқори информацион, замонавий физик-кимёвий, механик усуллардан (ИК, СЭМ ва ТГ) фойдаланилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тўқимачилик материалларни оловбардошлиги ва юқори ҳароратга барқарорлигини оширишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш, маҳаллий хомашё асосидаги фосфор гуруҳли олигомер антипиренларни синергетик хусусиятлари ҳамда самарали фойдаланишнинг қўшимча соҳалари аниқланди. Янги олигомер антипирен таркибларни физик-кимёвий хоссалари ва таъсир этиш ҳимоя механизмларини такомиллаштириш билан таърифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – фосфор сақлаган олигомер антипиренларни олиш ҳамда тўқимачилик материаллари билан модификациялашнинг оптимал нисбатлари ҳамда оловбардошлигини оширишнинг самарадор технологияси ишлаб чиқилганлиги шунингдек ёнғинлар

тарқалишини дастлабки ривожланишини чеклашга асосий омил бўлиб хизмат қилувчи янги олигомер антипирен таркибларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фосфор гурухли олигомерлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида тўқимачилик материалларини ёнғиндан химоялаш мақсадида яратилган фосфор сақлаган олигомер антипирен таркиблар “SVERXBELPROEKT” МЧЖ, “Cotton Road” ҚҚ МЧЖ ҳамда “Шарқ текс люкс” МЧЖ тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш корхоналарида муваффақиятли амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 6 июлдаги 04/25-2063-сон маълумотномаси). Натижада оловбардош тўқимачилик материалларининг масса йўқотиши 28% бўлишига (ишлов берилмаган тўқимачилик материаллари 97% ни ташкил этган) ва тўқимачилик материалларни кислород индекси 28%га ошиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 та хорижий журналда, 4 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 9 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

“Тўқимачилик материалларни оловбардошлигини оширишнинг замонавий усуллари ва ёниш жараёнининг механизмларини тадқиқ этиш” номли биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ табиий тўқимачилик материалларнинг оловбардошлигини оширишнинг замонавий усуллари, тўқимачилик материалларни оловбардошлигини оширишда қўлланиладиган антипиренларни аҳамияти, махсус кийимлар учун замонавий оловбардош

тўқимачилик материаллар турларини таҳлил қилиш ва уларга қўйиладиган талаблар, дунёда ва республикамизда қўлланиладиган антипиренларнинг қисқача таснифи бўйича илмий изланишлар таҳлили кенг ўрганилган ва атрофлича манбалар тўпланган.

“Фосфор гуруҳли олигомер антипирен таркибларини яратиш ва физик-кимёвий ҳамда механик хусусиятларини ўрганиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун қўлланиладиган материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ҳамда фосфор сақлаган олигомер антипиренлар асосидаги ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хоссаларни таҳлиллар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган. Ҳозирги кунда кимё, металлургия, ёқилғи ишлаб чиқариш саноати ва бошқа бир қатор соҳаларда инсон саломатлиги ҳамда ҳаёти учун хавфли омилларга дуч келиши мумкин. Ушбу материаллар нафақат зарурий ҳимоя билан таъминланиши, балки қулайлик яратилиши, инсон организмига салбий таъсир этмаслиги ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Дунё миқёсида махсус кийимлар ишлаб чиқариш йилига 15-20% ўсиб бормоқда.

Синтез қилиб олинган олигомер антипиренларни структурасини ИК-спектроскопия ва тўқимачилик материалларни олигомер антипиренлар билан ишлов берилиб ёнғинга чидамлилигини аниқлаш ўрганилди. Олинган ТЕХ-4 маркали антипирен композитларни хоссалари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, ушбу композит бирикмалар 1,5 соат давомида 100°C ҳарорат таъсирида олинган. Синтез қилинган ТЕХ-4 маркадаги олигомер антипирен олиниб, унинг физик-кимёвий хоссалари таҳлил қилинган ва керакли илмий асосланган тажрибалар ўтказилган. Тажрибалар асосида олинган фосфор сақлаган олигомер антипирен ТЕХ-4 марка билан белгиланиб унинг таркиби қуйидагилардан иборат масс.%:

ТЕХ-4 марка олигомер антипирен.

Тетраэтоксисилан	10 %
поливинилацетат (ПВА) (50% сувдаги эритмаси)	7,5 %
аммофос	25 %
металл сақлаган аддукт мочевино (алюминий оксид, аммиак, ортофосфорний кислота, мочевина)	37 %
ПАВ (Алкилбензолсульфонат натрия)	0,2 %
Сув (тех)	20 %

1-жадвал

ТЕХ-4 маркали олигомер антипиреннинг физик-кимёвий хоссалари

1.	Ташқи кўриниши	Қуюқ, қовушқоқ, оқ рангли.
2.	рН	5,5-6,5
3.	Зичлиги (25°C), г/см ³	1,25
4.	Учувчан моддаларнинг масса улуши, %, кўп бўлмаган	1,02
5.	Эрувчанлиги	80°C ҳароратда сувда эрийди


Диссертациянинг **“Фосфор сақлаган олигомер антипиренлар билан тўқимачилик материалларга ишлов бериш орқали композитлар олиш ва уларни физик механик ҳамда оловбардош хусусиятлари самарадорлигини оширишнинг оптимал шароитларини тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи

бобида маҳаллий хом ашёлар асосида олинган фосфор сақлаган олигомер антипиренлар билан модификацияланган тўқимачилик материалларнинг термик барқарорлиги, сканерли электрон-микроскоп ва элемент таҳлили, композитларни физик-механик ва оловбардош хусусиятлари, кислород индекси ҳамда тутун ҳосил қилиш хусусиятлари тадқиқ этилган.

ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, Т-2 ва Т-200 маркалар асосидаги олигомер антипиренлар билан ишлов берилиб тўқимачилик материаллар асосидаги композитларни термооксидланиш деструкция кинетикаси ўрганилди. 1-расмда дастлабки, ишлов берилмаган ва янги таклиф этилаётган ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, Т-2 ва Т-200 маркалар асосидаги олигомер антипиренлар билан ишлов берилиб тўқимачилик материалларни (ТМ) деривотограммаси кўрсатилган.

Ишлов берилмаган табиий тўқимачилик материаллари намунаси 130-350°C ҳарорат оралиғида масса йўқолиши 76,8% ни ташкил этди. 280°C да максимал иссиқлик ажралиш самарадорлиги (экзоэффект) кузатилди ва масса йўқотиши 50,4%ни ташкил этди. Ушбу ҳолатда тўқимачилик материалнинг деструкцияси энг катта тезликка етганлиги ва иссиқлик таъсирида парчаланган ёнувчи маҳсулотларининг ажралиши кузатилди.

Маълумки, ушбу ҳароратда табиий тўқимачилик материаллари таркибидаги целлюлозаларнинг юқори даражадаги деструкцияланиш тезлиги кузатилади.



1-расм. Ишлов берилмаган ва ишлов берилган тўқимачилик материалларнинг деривотограммаси

1-расмда ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, Т-2 ва Т-200 маркалар асосидаги олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларининг термик барқарорлиги келтирилган. ТЕХ-1 маркали олигомер антипирен билан ишлов берилган тўқимачилик материаллар намунаси 140-345°C ҳарорат оралиғида масса йўқотилиши 50% ни, 310°C ҳароратда энг юқори экзоэффект кузатилди ва масса йўқотиши 40,8%ни ташкил этди.

ТЕХА-2 маркали олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материаллари асосидаги композитлар намунаси 150-400°C ҳароратда композитнинг масса йўқотилиши 50% ни, 350°C ҳароратда эса экзоэффект кузатилди ва масса йўқотиши 25,0% ни ташкил этди. ТЕХ-4 маркали олигомер антипирени билан ишлов берилган тўқимачилик материаллари намунаси 140-350°C ҳарорат оралиғида масса йўқотилиши 50,5% ни, 320°C ҳароратда энг юқори иссиқлик ажралиш самарадорлиги (экзоэффект) кузатилди ва масса йўқотиши 38,5% ни ташкил этди.

Т-2 маркали олигомер антипирен билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни намунаси 138-380°C ҳарорат оралиғида масса йўқотилиши 50,5% ни, 270°C ҳароратда энг юқори иссиқлик ажралиш самарадорлиги (экзоэффект) кузатилди ва масса йўқотиши 24,2% ни ташкил этди.

Т-200 маркали олигомер антипирени билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни намунаси 135-320°C ҳароратлар оралиғида масса йўқотилиши 50,4% ни, 260°C ҳароратда максимал иссиқлик ажралиш самарадорлиги (экзоэффект) кузатилди ва масса йўқотиши 28,2% ни ташкил этди. Таркибида фосфор сақлаган ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, Т-2 ва Т-200 маркалар асосидаги олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларининг оловбардош хусусияти яхшилигини ушбу намуналарни термик барқарорлигидан аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, тўқимачилик материаллари таркибидаги целлюлозанинг парчаланиш тезлиги 150°C дан 350°C гача пасайиши цеюллозанинг дегидратация бўлиш реакциялари сонининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. ТЕХ-4 марка олигомер антипирен билан целлюлоза асосидаги материалларга ишлов берилиб ёнғинбардошлигини оширучи қопламани математик модели ўрганилди. Целлюлоза асосидаги тўқимачилик материалларнинг ёнғинга чидамлилигини ҳисоблаш учун ҳароратга қараб конструктив элементларнинг термофизик ва механик хоссалари бўйича маълумотлари олинади. Бироқ, ёнғинга чидамлилигини изоляцияловчи хусусияти нуқтаи назаридан баҳолаш учун, иссиқлик ўтказувчанлигини таҳлил қилиш, иссиқлик ва парчаланишни қабул қилиш, тизимдаги энергия ва массани сақлаш учун дифференсиал тенгламалардан фойдаланиш кифоя.

Модел қопламали модданинг оддий моддалар аралашмаси сифатида қарашига асосланади, улар қиздирилганда газ фазасида компонент ҳосил қила олади. Қоплама хусусиятларга таъсир этувчи ҳарорат оралиғида газсимон компонентларнинг ҳосил бўлиши натижасида қаварикланиш пайдо бўлишига олиб келади.

Ушбу тадқиқотда бир нечта қўшимча соддалаштиришлар назарда тутилган: 1) қоплама тўртта компонентни ўз ичига олади - битта кимёвий инерт (n) ва битта фаол компонент (a), улар қиздирилганда эндотермик равишда инерт таркиблар конденсацияланади (с) ва газсимон компонентларга (г) айланади; 2) Қаварикланувчи қоплама газ фазадаги компонентларни тузилишига таъсир этмайди, шунинг учун тажрибада масса йўқолиши билан боғлиқ таъсирлар

эътиборга олинмайди; 3) Оловбардош қавариқланувчи целлюлоза таркибли материаллар кимёвий инерт моддаларга яқин ҳолатда бўлади.

Тажрибага кўра, фазовий ҳолатни бир ўлчовли деб ҳисоблаш мумкин. Оддий ҳимояланган сиртга йўналтирилган асосий фазовий координата (x) целлюлоза таркибли материал ва ҳимоя қопламаси орасидаги масофадан қоплама томон ўлчанади.

1) $-L_{tr} < x < 0$ – Ҳимояланган целлюлоза таркибли субстрат;

2) $0 < x < x_s$ – ёнғинбардош қавариқланувчи ҳимоя қопламаси.

Целлюлоза таркибли материални иссиқлик ўтказувчанлиги иссиқлик ўтказувчанликнинг одатий тенгламаси билан ифодаланади:

$$c_{p.tr} \cdot \frac{\partial T(x, \tau)}{\partial \tau} = \lambda_{tr} \cdot \frac{\partial^2 T(x, \tau)}{\partial x^2} \quad (1)$$

Бу ерда $c_{p.tr}$ - Целлюлоза таркибли материални ўзига хос ҳажмдаги изобарик иссиқлик сифими, Дж·м⁻³·К⁻¹, λ_{tr} – Целлюлоза таркибли материални иссиқлик ўтказувчанлиги, Вт·м⁻¹·К⁻¹;

Целлюлоза таркибли материалнинг ҳаво билан чегараси (1) тенглама шаклга эга:

$$-\lambda_{tr} \cdot \frac{\partial T(x, \tau)}{\partial x} \Big|_{-L_{tr}} = \alpha (T(-L_{tr})) \cdot [T_{air} - T(-L_{tr})] \quad (2)$$

Бу ерда L_{tr} – Целлюлоза таркибли материалнинг қалинлиги, T_{air} – ҳаво ҳарорати, $K\alpha$ – маълум бир сиртнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт·м⁻²·К⁻¹; T_f – ўртача (аланга) ҳарорати, К. L_0 – қопламанинг дастлабки қалинлиги.

Тажриба синовларда келтирилган ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларни бошланғич қалинлиги $L_0 = 0,2 \div 0,3$ мм, аланга ҳарорати $t_f = 850 \div 900$ °С ва целлюлоза таркибли материалнинг қалинлиги $L_{tr} = 3$ мм учун сонли тарзда ҳал қилинди. Натижада, қоплама ҳарорати, қавариқланиш коэффициенти, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ҳамда фаол компонентлар улушининг вақт-вақтга боғлиқлиги аниқланди ва таҳлил қилинди. Олинган математик моделга боғлиқликлар эркин параметрларни ўзгартириш орқали экспериментларга мослаштирилди.

Олинган оловбардош тўқимачилик материалларни ГОСТ Р 50810-95 талаблари асосида оловбардошлиги ва физик-механик хусусиятлари тадқиқ этилди. Оддий тўқилган пахта матосига ТЕХ-4 маркали антипиренлар билан ишлов беришда антипиренларни 5-15% сувли эритмаси қўлланилди. Антипиренни тўқимачилик материалларга бир дақиқа давомида 25-30°С да шимдирилди, сўнгра махсус 90% даражадаги икки валли қурилма устидан айлантириб ўтказилди. Кейин мато 75°С ҳароратда 8-10 дақиқа давомида қурилди. Кейинчалик, ишлов берилган мато 110, 130, 150°С ҳароратларда бир

дақиқа давомида иссиқлик билан ишлов берилди, иккинчи босқичда 75 °С да уч дақиқа давомида қуритилиб, антипиренни сувли эритмаси шимдирилди. Иситиш шкафи ёрдамида сувсизлантирилди, сўнгра дистилланган сувда ювилди ва хона ҳароратида қуритилди.

2-жадвал

Оловбардошлик самарадорлигини синов тажриба натижалари ва физик-механик кўрсаткичлари (ТЕХ-4)


Антипирен концентрацияси, г/л	Куйдирилган майдоннинг узулиги, мм			Узулишдаги куч, Н		
	Ишлов бериш ҳарорати, °С					
	110	130	150	110	130	150
Ишлов берилмаган	220	220	220	202	202	202
ТЕХ-4 марка; 150 г/л	102	100	114	216	215	212
ТЕХ-4 марка; 300г/л	98,0	97,5	106	236	229	225
ТЕХ-4 марка; 400г/л	97,3	97,0	105	238	230	227

Ишлаб чиқилган композицияларнинг ёнғинга қарши самарадорлигини тажриба синовлари ГОСТ Р 50810-95 га мувофиқ амалга оширилди, бу тўқимачилик материалларининг алангаланишга, доимий оловбардошлигини аниқлаш ва шунингдек баҳолаш усулини белгилайди.

ТЕХ-4 маркали антипирени асосида ишлов берилган тўқимачилик материалларини оловбардошлиги ва физик-механик хусусиятларни чет элдан кириб келадиган аналог антипиренлар билан солиштириб синов тажрибалар олиб борилди. Ушбу тажриба синов жараёнлари (2-расм) истеъмолчига етказиб бериладиган барча ёнувчан тўқимачилик материалларига тааллуқли бўлиб, уларнинг оловбардошлигини ошириш ва стандартлар асосида синов тажрибаларини олиб бориш ГОСТ Р 50810-95 га мувофиқ амалга оширилди.

Шунингдек, намуналарга ишлов берилгандан сўнгра механик хусусиятларни ўзгаришларни аниқлаш мақсадида синовдан ўтказилди. (2-жадвал). Тавсия этилган композициялар ёрдамида ёнғинга қарши самарадорликни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, композициялар концентрациясининг ошиши билан кўмирланган майдоннинг узулиги камаяди. Тўқимачилик материаллари таркибига антипирен асосидаги кимёвий бирикмаларнинг сингиши нисбатан қийин бўлганлиги сабабли узулишдаги куч унчалик фарқ қилмади. Шунинг учун, оловга чидамли толанинг механик хусусиятлари барча нисбатларда бир-бирига яқин эканлигини кўриш мумкин. Аммо ТЕХА-2 маркали олигомер таркибида эпихлоргидрин қўшилганлиги сабабли кимёвий таркибларни олигомерланиши юқориқ бўлганлиги сабабли ушбу антипирен билан ишлов берилиб, 110-150°С гача ораликда қиздирилганда механик ва оловбардош хоссалари аналоглар ва бошқаларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Шу билан бир қаторда ТЕХ-4 маркадаги антипиренлар таркиби поливинилацетатдан ташкил топганлиги сабабли бу композитни механик хусусиятлари ҳам аналогда келтирилган таркиблардан юқори натижаларни кўрсатди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, антипирен кўпайиши ва ўртача иссиқлик билан ишлов бериш ҳарорати 130-150 °С бўлганида, композицияни

тола таркибидаги целлюлозанинг гидроксил гуруҳлари билан таъсирлашиши натажасида бирикиш даражаси ошиб бориши билан толани оловбардошлиги ошиб бориши аниқланди.



2-расм. Табiiй тўқимачилик материалларни антипиренлар билан ишлов берилгандан кейинги оловбардошлигини тажриба синов жараёнлари (10, 15, 20% антипирен билан ишлов берилган).

Шу билан бирга аналоглардан катта фарқли томони ушбу усулда бириккан композитларни сув билан ювилиб чиқиб кетиши қийин бўлади. Биз таклиф этаётган антипиренларнинг ушбу аналогдан асосий фарқли томони унга нисбатан кам миқдорда қўлланилиши билан самаралироқ эканлиги аниқланди.

ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар билан ишлов берилган оловбардош тўқимачилик материаллари ҳамда оловбардош қоғоз материалларни кокс ҳосил қилиши ва масса йўқотишини тадқиқ этилди. Ёнғинга қарши кимёвий бирикмаларни таъсир механизми шундан иборатки, агар тўқимачилик материалларда ёнғин чиқиши билан керакли ҳароратга етмасдан антипиренларни синергетик таъсири натижасида азот, фосфор, углерод ва сув буғлари ажралиб чиқиши кислород таъминотини бузиши натижасида ёнишини олдини олади. Маҳаллий хом ашёлар асосида олинган фосфор сақлаган ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренларни давлат стандарти талаблари бўйича қоғоз ва тўқимачилик материалларга ишлов берилиб уларни оловбардошлиги оширилган ва синов тажриба натижалари уларни кокс ҳосил қилиши антипиренларни турли концентрациялари билан ишлов берилгандан сўнгра ошиб борганлигини ўрганилди.

Тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш учун экологик хавфсиз оловбардош олигомер антипиренларни синов натижалари тадқиқ этилиб, ушбу натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, бизнинг иссиқ иқлимли республикамиз учун зарур бўлган юқори оловбардош тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш учун экологик хавфсиз олигомер антипиренларни синов натижалари таҳлил қилиниб, тажриба синов натижалари орқали қуйидаги маълумотлар олинди.

Унга кўра олигомер антипиренларни олиниши структураси ҳамда физик-кимёвий хоссалари таҳлил қилинди. Бундан ташқари, оловбардош тўқимачилик материаллари юқори иссиқликка ва ёнғинга чидамли хусусиятларга эга эканлиги кўрсатилган бўлиб, уларнинг масса йўқотилиши 97,3 % дан 21,3% гача пасайиши аниқланди.

3-жадвал

Антипиренлар билан тўқимачилик материалларга (ТМ) ишлов берилиб олинган композитларни коксланиш хусусиятларни тадқиқ этиш

Намуна	Синовгача массаси, г	Ёниш вақти, сек	Намуна, %	Синовдан кейинги масса, г	Масса йўқотилиши	
					г	%
ТМ	2,43	15	0	0,066	2,364	97,3
ТЕХ-1	1	2,54	15	0,058	0,096	58,8
	2	2,58	15	2,50	0,078	30,5
	3	2,56	15	1,89	0,067	26,2
ТЕХА-2	1	2,36	15	1,058	1,302	55,2
	2	2,85	15	2,04	0,803	28,2
	3	2,74	15	2,09	0,643	23,5
ТЕХ-3	1	3,26	15	1,32	1,933	59,3
	2	2,94	15	1,71	1,23	42,1
	3	3,10	15	2,32	0,78	25,2
ТЕХ-4	1	2,86	15	1,29	1,57	54,9
	2	2,94	15	1,66	1,28	43,6
	3	3,05	15	2,40	0,649	21,3
Т-200	1	3,28	15	1,36	1,92	58,7
	2	3,12	15	1,90	1,22	39,2
	3	2,57	15	0,104	0,92	26,5

Фосфор сақлаган ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренларни тўқимачилик материалларга ишлов берилиб олинган композитларни тутун ҳосил қилиш хусусиятлари бугунги кунда долзарб бўлиб халқаро талабларга асосан оловбардош тўқимачилик материаллар экологик ва иқтисодий самарадор бўлиши талаб қилинади. Ушбу муаммоларни таҳлил қилган ҳолда олинган композитларни тутун ҳосил қилиш кўрсаткичлари қўйидагича амалга оширилди. Тажриба синов ишларида олинган намуналар асосида тутун ҳосил қилиш коэффициентини экспериментал тарзда аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди: ҳарорат - 14,2 °С, атмосфера босими - 97,7 кПа. Ўлчов воситаларининг хусусиятлари: “Тутун ҳосил бўлиш коэффициентини аниқлаш” ГОСТ 12.1.044-89 га мувофиқ. Синов натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Тутун ҳосил қилиш кўрсаткичини адабиётлар ва бошқа маълумотларда келтирилган антипиренлардан яхши натижани беришини сабабли таклиф этилаётган композитлар олигомер хусусиятга эга бўлиб, синергетик таъсирлар натижасида тутун ҳосил қилиши нисбатан яхшироқ ҳисобланади. Шундай

қилиб, фосфор сақлаган антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни тутун ҳосил қилиш кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган маълумотлар ҳамда давлат стандарти талабларига мос келади.

4-жадвал

Фосфор сақлаган ТЕХА-2 маркали олигомер антипиренлар билан тўқимачилик материалларга ишлов бериш асосида олинган композитларни тутун ҳосил қилиш хусусиятларни аниқлаш

Тўқимачилик материаллари таркибидаги антипирен миқдори, %	Ёнувчанлик		Ҳар бир намуна учун тутун ҳосил қилиш коэффициенти, $D_m, m^2/kg$	
	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг
5	ЕА	ҚА	164	98,5
10			164	48,5
15			164	45,2

ЕА (Енгил алангаланадиган-Лв - легковоспламеняемая ткань), ҚА (Қийин алангаланувчи-Тв* - трудновоспламеняемая ткань).*


Яъни ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар билан тўқимачилик материалларга ишлов бериш асосида олинган композитларни тутун ҳосил қилиш хусусияти D1 - гуруҳига кириши аниқланди ҳамда ТЕХА-2 маркали антипирен бошқаларга нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Фосфор гуруҳли олигомерлар олиш ва улар асосида оловбардош тўқимачилик материалларни яратишнинг замонавий технологияси ҳамда иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида фосфор сақлаган ТЕХА-2 ва ТЕХ-4 маркали олигомер антипиренларни олишнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда антипиренлар билан тўқимачилик материалларга ишлов бериш технологияси такомиллаштирилди. Шу билан бирга олинган олигомер антипиренларни иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилди.

Фосфор сақлаган ТЕХ-4 маркали олигомер антипиренларни олишнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқишда аввалом бор бошланғич моддаларни маҳаллий хомашёлардан ташкил топганлиги катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга фосфор сақлаган олигомер антипиренлар олиш технологияси оддий ва иқтисодий самарадор технологик жараён бўлиб, катта миқдорда энергия харажатларини талаб қилмайди. Асосий ижобий натижалар паст ҳароратларда (90-100°C гача) олинади.

ТЕХ-4 маркали олигомер антипирен композитини олишнинг технологик схемаси келтирилди (3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги ходимлари ва кутқарувчилар томонидан фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиши, давлат тизимининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли вазиятлардан муҳофаза қилиш даврида махсус кийимлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу кийимлар орқали ходимлар ўз саломатлиги ва ҳаётини сақлашида имконият яратади.



3-расм. Олигомер антипиренларни олишнинг технологик схемаси
 1-фосфор кислота учун сиғим; 2-алюминий оксид учун сиғим; 3-мочевина учун сиғим; 4-аммиак учун сиғим; 5- реактор (композит ҳосил қилувчи);
 6-аммофос учун иғим; 7- Тетраэтоксисилан учун сиғим; 8-ПВА учун сиғим;
 9-ПВБ учун сиғим; 10- Гомогенизатор; 11-тайёр маҳсулот учун сиғим



4-расм. Ёнғин қутқарувчиларининг махсус кийимларини турли фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиши даврида қўлланилиши.

Фосфор гуруҳли олигомерлар асосида тўқимачилик материалларини ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида яратилган фосфор сақлаган олигомер антипирен таркиблар “SVERXBELПРОЕКТ” МЧЖ, “Cotton Road” ҚК МЧЖ ҳамда “Шарқ текс люкс” МЧЖ тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш корхоналарида татбиқ этилиши натижасида оловбардош тўқимачилик материалларининг масса йўқотиши 28% бўлишига (ишлов берилмаган тўқимачилик материаллари 97% ни ташкил этган) ва тўқимачилик материалларни кислород индексини 28% га ошириш имконини берди.

Оловбардош тўқимачилик материалларни олишда, самарадорлиги юқори бўлган антипиренларни ишлаб чиқариш ҳамда чет эл аналоглари билан рақобатбардош бўлган янги ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар ишлатилиши тавсия этилди. Олинган антипиренларнинг самарадорлиги чет эл аналоглари билан бир хил хоссага эга, шу билан бирга экологик ва иқтисодий самарадорлиги 40% эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

“Фосфор гуруҳли олигомерлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар асосида тўқимачилик материалларни оловбардош хусусияти, ёнғин таъсирида масса йўқотилиши, кислород индекси, тутун ҳосил қилиш коэффициенти ва физик-механик хоссалари тадқиқ этилди. Яратилган олигомер антипиренлар асосан оловбардошлик самарадорлигини тутун ҳосил қилиш хусусияти D1 – гуруҳига кириши аниқланди, оловбардош хусусияти қийин алангаланувчи материалларга кириши аниқланди ҳамда кислород индекси 19 дан 35% гача оширишга эришилди.

2. Оловбардош тўқимачилик материалларни олишда, самарадорлиги юқори бўлган антипиренларни ишлаб чиқаришда ҳамда чет эл аналоглари билан рақобатбардош бўлган янги ТЕХ-1, ТЕХА-2, ТЕХ-4, ТЕХ-3 ва Т-200 маркали олигомер антипиренлар янги таркибини кенг кўламда ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Олинган антипиренларнинг самарадорлиги чет эл аналоглари билан бир хил хоссага эга эканлиги, экологик ва иқтисодий жиҳатдан 40% га самарадор эканлиги ўз илмий исботини топди.

3. Оловбардош тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш учун экологик хавфсиз олигомер антипиренларни синов натижалари таҳлил қилинди. Унга кўра олигомер антипиренларни олиниши структураси ҳамда физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Оловбардош тўқимачилик материаллари юқори иссиқликка ва ёнғинга чидамли хусусиятларга эга эканлиги аниқланиши эвазига, уларнинг масса йўқотилиши 97,3 % дан 21,3% гача пасайиши аниқланди.

4. Тўқимачилик материалларни ёнғиндан ҳимояловчи мақсадли янги авлод олигомер антипиренлар олиш имконини яратувчи фосфор сақлаган композициялар билан оловдан ҳимоя қилиш жараёнининг снергетик таъсир механизми кенг ўрганилди. Оловдан ҳимоя қилиш жараёнининг снергетик таъсир механизмининг янги варианты таклиф этилди.

5. Фосфор сақлаган олигомер янги таркибли антипиренларни ишлаб чиқиш ва уни кенг миқёсда олиш технологиялари яратилиши эвазига антиперинларни маҳаллийлаштириш ва саноатлаштириш имконияти кенгайтирилишига эришилди. Фосфор сақлаган олигомер антипиренлар билан модификацияланган

тўқимачилик материалларни инфрақизил (ИК) спектроскопияси, рентгенфазоли (РФА) таҳлил, термогравиметрик (ТГ) таҳлил ҳамда сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ) элемент таҳлил усуллари ёрдамида таркиби ва тузилиши ўрганилди.

6. Фосфор сақлаган олигомер антипиренлар Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти базасида тажриба саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий қилинган ҳамда олинган оловбардош материаллари “SVERXBELПРОЕКТ” МЧЖ, “Cotton Road” ҚК МЧЖ ҳамда “Шарқ текс люкс” МЧЖ тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш корхоналарида мувофақиятли амалиётга жорий қилинди. Яратилган фосфор сақлаган олигомер антипиренлар ва улар асосидаги оловбардош тўқимачилик материаллари, атмосфера таъсирлари, агрессив таъсирларга ҳамда юқори оловбардошликка эга эканлиги эвазига хориждан импорт қилиш масаласи 40% камайтиришга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АКАДЕМИИ МЧС РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

РАУПОВ АНВАРЖОН РАЗОКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ОГНЕСТОЙКОСТИ
ТЕКСТИЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ
ФОСФОРСОДЕРЖАЩИХ ОЛИГОМЕРОВ**

05.10.02 – Безопасность при чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/T1245.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.fvvakademiya.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Кулдашев Икром Хамидуллаевич
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «30» 11 2021 г. в 12:00 часов на заседании Научного совета PhD.40/30.12.2020.T.129.01. по присуждению ученых степеней при Академии МЧС Республики Узбекистан. (Адрес: 100102, Район Янги хаёт, улица Дусллик, 5, Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (регистрационный № 3.) (Адрес: г.Ташкент, 100102, Район Янги хаёт, улица Дусллик, 5, Телефон: (71) 258-56-57. E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» 11 2021 года
(Реестр протокола рассылки № 2 от «06» 10 2021 года)



Б.Т.Ибрагимов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

Х.М.Дусматов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат химических наук

Ш.Э.Курбанбаев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня во всем мире растет внимание к огнестойким текстильным материалам, причем обеспечение пожарной безопасности за счёт его широкого использования в качестве отделки и покрытий в производстве товаров для дома, одежды, мебели, строительстве, машиностроении и других отраслях промышленности остаётся одной из наиболее актуальных проблем. Однако, помимо множества преимуществ, текстильные материалы, не обработанные антипиренами, увеличивают риск возгорания. Таким образом, в мире происходит 7-8 миллиона пожаров в год, а число людей, погибающих в результате пожаров, составляет 85-90 тысяч человек. В 2020 году в нашей стране количество пожаров составило 11083, а число погибших в результате пожаров – 124 человек. В основном это происходит из-за быстрого распространения пламени за счет отсутствия огнезащиты у текстильных материалов и неэффективности огнезащитных антипиренов, а вопросы по разработке инновационных технологий для обработки текстильных материалов с научной точки зрения до сих пор ещё не решены. Поэтому, большое внимание уделяется разработке фосфорсодержащих олигомерных антипиренов, повышающих огнестойкость текстильных материалов, а также совершенствованию механизма их оптимального состава и воздействия.

Несмотря на развитие производства специальной одежды на основе огнестойких текстильных материалов для пожарных, сварщиков, производства предметов домашнего обихода, мебели и других отраслей во всём мире пожары распространяются на большие площади за короткий период времени в результате быстрого возгорания текстильных материалов, вызывая разную степень повреждений и ущерба. По этой причине одной из актуальных задач в нашей стране является разработка многофункциональных антипиренов на основе фосфорсодержащих олигомеров для обработки огнестойких текстильных материалов с целью повышения огнестойкости текстильных материалов, их модификация текстильными материалами и разработка оптимальных составов, улучшение огнестойких свойств.

В нашей стране на основе инновационных технологий при повышении огнестойкости натуральных текстильных материалов, которые стремительно развиваются, созданы различные антипиреновые составы, с помощью которых достигнуты значительные результаты в производстве огнестойких текстильных материалов. В то же время для повышения огнестойкости текстильных материалов существует необходимость ускорения исследований по разработке фосфорсодержащих олигомерных антипиренов и их технологий, а также по их применению. В связи с этим в нашей стране поставлены такие задачи, как «глубокая переработка местного сырья, обеспечение жизни людей в экологически безопасной среде, локализация производства»². В связи с этим

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №ПФ-4947 «О Стратегии действий по

важную роль играет повышение огнестойкости текстильных материалов антипиренами на основе местного сырья, а также разработка эффективных технологий применения антипиренов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 13 февраля 2021 года №ПП–4992 «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», от 23 мая 2019 года № ПП–4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» и от 12 февраля 2019 года №ПП–4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», а также в Постановлении Кабинета Министров от 20 октября 2020 года №649 «Об утверждении правил пожарной безопасности» и в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В последние годы ряд учёных за рубежом и в нашей стране провели исследования с целью создания огнестойких текстильных материалов нового поколения. Научные исследования по этим вопросам проводились такими зарубежными учёными, как Е. Текей, Р.Н. Сабирзянова, F. Laoutid, Н.С. Зубкова, О.Н. Микрюкова, Е.П. Лаврентьева, У. Джон, J. Alongi, G. Barbara, M.I. Misnon, J. Chilton, E. Kandare, E.D. Weil, D.V. Ajgaonkar, A.N. Netravali, X. Huang, K. Mizuta и другими по разработке технологий производства и применения огнестойких текстильных материалов.

